

# SAHIFALARIDA

## саҳифаларида

### БИЛЛУР ҚАТРАЛАР

Сирожиддин САЙЙИД. Сұмунчоқ ..... 50

### ҮТГАНЛАР ЁДИ

Шұхрат РИЗО. Сүзи поку ўзи пок ..... 58



### ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Жұра МАҲМУД. Дарвеш хирқасидаги шоҳ ..... 63

### ИЕРАТНОМА

Чарли ЧАПЛИН. “Мудом одам бўлмоққа интилдим...” ..... 68

### МОҲИЯТ ЖИЛОПАРИ

Илҳом ФАНИ. Ҳақталағнинг қисмати ..... 72



### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Зебо ҚОБИЛОВА. Сўнгги томчи сув ..... 76

### ТАЛҚИН ВА ТАДКИҚОТЛАР

Элдор БАРАТОВ. Энг қадимий ижтимоий идеал ..... 84

Замирахон ИСОҚОВА. Қуръонда ақп тавсифи ..... 85

Акбар ТОҲИРОВ. Ношир ва китобхон: манфаатлар муштараклиги ..... 87

Дилноза УСТААЗИЗОВА, Нодира ФАФУРОВА.

Замонавий педагогиканинг муҳим талаби ..... 88

Нурман БЕРДИЕВ. Меъморий мӯъжиза қандай яратилади? ..... 89

Нодира МАНСУРОВА. Фусункор реализм: тарих ва такомил ..... 90

Азиз МАТЕҚУБОВ. Экранда уруш талқинлари ..... 92

Файзхўжа МАҲМУДОВ, Одил ЗАРИПОВ.

Вақфнинг биз воқиф бўлмаган тарихи ..... 93

Журналнинг инглизча муҳтасар мазмуни ..... 95

оят); “Эй имон көлтирганлар! Оллоҳ учун (түгрилика) собит турувчи, одиллик билан гувохлик берувчи бўлингизлар” (*Moида сураси*, 8-оят). Адолат инсониятга юборилган ҳар бир вахий ва китобларнинг мақсади бўлган. Атоқли фақих Сарахсий адолат қилиш “Оллоҳга ишониш билан ёнмаён келадиган энг олий ишлар билан бир қаторда баҳоланади” дейд.

Исломга қадар турлича сўзлар орқали ифодалangan бўлса-да, адолат тушунчасининг шаклланиши илк бор ибтидоий тузум даврида мавжуд турмуш ва сифиниш меъёрларининг эътирозисиз қабул қилинишини англаттан. Ўшандан буён адолат – умумқабул қилинган қоидаларга амал қилишdir. Дастлаб у барча одамларнинг яшаш воситалари ва хукукларидан тенг фойдаланишини билдирган. Хусусий мулкчилик ва ижтимоий тенгисизликнинг вужудга келиши билан адолатни тенглиқдан ажратса бошлайдилар. Вақт ўтиб у одамларнинг ижтимоий аҳволига муовфиқ имтиёзга эга бўлиши ёки эга бўлмаслигини билдира бошлайди. Демак, адолат универсал мазмунга эга бўлиб, ахлоқий, диний, хукуқий, сиёсий-иктисодий онг категориясиdir.

Адолат ахлоқий қадрият сифатида одамларнинг аввало ўзига, оиласига ва бошқаларга холис муносабатда бўлишини, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишини билдиради. Адолат инсоннинг худбин истакларига қарши туради ва уни бошқаларга зарар етказишдан сактайди. Адолатнинг ахлоқий меъёр сифатидаги асосий талаби – одамларнинг хукуқлари, қадр-қимматини хурмат қилишdir. Қадимги юонон файласуфи Пифагор “Одамлар! Энг аввало эзгу ахлоқга эга бўлишга ҳаракат қилинг, зеро, ахлоқ қонуннинг асосидир” (96 мумтоз файласуф. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2013. 25-бет) деган экан. Адолатли бўлиш

учун инсон илмли, иродали, мард, камтар, ҳалол, ҳақгўй, вижданли ва номусли бўлиши керак.

Сиёсий жиҳатдан эса адолат давлатни одиллик тамоилилари асосида бошқариши англатади. Бунда раҳбарнинг маънавий онги, билими, тажрибаси ва иродаси мухим аҳамият касб этади. Одил хукмдор foяси ҳалҳ эпослари ва Форобийдан Алишер Навоийгача кўпдан-кўп мутафаккирларимизнинг улувор идеали бўлиб келган.

Адолат хукуқий тушунча сифатида қонунларда инсонларнинг эҳтиёж ва манфаатлари қай даражада ҳисобга олинганида намоён бўлади. Ривожланган жамиятда адолат демократик қонунлар асосида иш юритишини тақро этади. Барча қонун олдида тенг, қонун барчани бирдай ҳимоя қилади. Имтиёзлар фақат қонун орқали маълум тоифа кишиларагина берилади (ногиронлар, кексалар, эҳтиёжманд оилалар, ёшлар ҳамда жамият учун, давлат учун алоҳида хизмат кўрсатган шахсларга). Демократик-хукуқий давлатда ҳар бир одам ақл-заковати, қобилияти, мәҳнати ва тадбиркорлиги туфайли топган мол-мулки ҳисобига яшайди. Давлатда қонунларнинг қатъиyllиги ҳамда унинг ижроси ҳалиқнинг адолатга нисбатан ишончини мустаҳкамлайди.

Жамиятда адолат ўзидан-ӯзи жорий бўлиб қолмайди. Ҳар бир инсон ҳаётда адолатни ҳимоя қилиш ва адолатсизликка қарши чиқиш зарур бўлган вазиятларга тушади. Ана шундай нозик ҳолатларда бирорларнинг панд-насиҳати эмас, балки инсоннинг ички маънавий олами соғлиғига ёки нопоклиғига, қатъий иродаси ёки иродасизлиги, лоқайдилги билиниб қолади. Адолат ҳисси – маънавий камолот белгисидир.

**Элдор БАРАТОВ,**  
ҚарДУ мустақил тадқиқотчisi

## *Qur'onda aql tavsifi*

Тафаккури юксалган инсон техника ва технология жабхасида ақл бовар қилмас ютуқларга эришди, ҳатто Ер юзини бир неча маротаба йўқ қилиши мумкин бўлган қуроллар яратди. Аммо бунга қаноат қилмасдан, янада мукаммалроқ қашфиёт изидан елиб-югуриб, ақл-идрок ўзига нима учун берилганини унутиб қўяёттани ҳам сир эмас. Бу эса тафаккур имкониятлари ва чегарасини теран таҳтил этишини тақозо этаётir.

Оллоҳ берган неъматларнинг энг афзали ақлдир. “Ақл” сўзи “ақала”, яъни “тушовлаш”, “тутиш”, “қайтариш”, “боғланиш” деган маъноларни англата-

ди. Туя қочмоқчи бўлганида тушовланади. Демак, ақл инсоннинг кўнглига келган тушовсиз ҳоҳиш-истакларни рӯёбга чиқаришдан қайтаради.

Оллоҳ ақлни дин учун асос, дунё учун устун қилган. Наҳий ва мункар (буйруқ ва қайтариқлар) инсон ақл даражасига кўра белгиланган, яъни ақл-идрок эгалари Оллоҳнинг амри ва қайтариқларини англаган ҳолда қабул қилиши лозим бўлса, ақлан ногирон кишилар хатти-ҳаракати учун жавоб бермайди.

Куръони каримда ақл калимаси 49 ўринда келиб, банда ўйлаш, тафаккур қилиш, тўғри фикрлаш, ибрат олиш, ҳидоятга етиш, жаҳолатдан кутулиш,

коинотдаги ва ўз ичидаги ҳақиқаттарни тушунишга далолат қилинган. Ақп-фаросат әгалари маъносини англатувчи “ул-ил албаб”, “ул-ил абсор” ва “ул-ин нуҳа”, “лубб” калималари 10 мартадан кўпроқ так-рорланган: “Осмонлар ва Ернинг яратилишида, тун ва куннинг ўрин алмашиб туришида ақп әгалари учун аломатлар бордир” (*Оли Имрон сураси, 190-оят*).

Ақп – билим олишга ярайдиган куч ва унинг воситасида кўлга киритилган илмидир. Ҳадисда “Ақп – ҳақ билан ботилни ажратадиган қалбдаги нурдир” дейилган. Имом Ғаззолий айтадики: “Одам вукудида ақлни пайдо қилибдурки, анинг хохиши фаришталар ишини қилмоқ. Бас, одам ўзини яратган Оллоҳ азза ва жаллани шу ақп-идрок билан танир. Оллоҳ таолонинг ажойиб ва ғаройиб яратиш ва қудратларини тафаккур билан мушоҳада қилиб, ақл нури билан ўзини ғазаб илкidan ҳолос қилур. Одамнинг ҳақиқати ул нимарсадурки, камоли ва шарофати анинг бирла бордир, яъни ақп биландир. Ақлнинг қудрати ва бирламчилигини инкор этиш Оллоҳи инкор қилиш билан баробар”.

Ақп Оллоҳнинг Ер юзидағи тарозиси, “ақпли йўқнинг дини йўқ” деб бежиз айтимаган. Ақп түфма ва ўзлаштирилган кўринишга ажратилади. Икки зид нарсаннинг жамланиши мумкин эмаслиги, бир рақами иккидан камлигини билишга ўхшаш инсондаги бошланғич билимни идрок этиш түфма ақп саналади. Инсон түфма ақп туфайли комилликка эришади. Оллоҳ инсонни ақп билан мукаррам қилди, ақлни воқеа-ҳодисалар ҳақиқатини тадқиқ қилиш ва уни англашнинг муҳим омили деб, инсонни ақп-заковат юритишига даъват этади: “Сизларга берилган нарсалар факат – дунёнинг мато ва зийнатларидир. Оллоҳ ҳузыридаги (ажру мукофот) эса яхшироқ ва боқийроқдир. Ахир, ақп юргизмайсизларми?!” (*Қасаси сураси, 60-оят*).

Ибн Сино ақлий билимларни иккига ажратган. Ақлий билимнинг қуи шакли тана эҳтиёжларини қондиришига қаратилган бўлса, унинг олий шакли инсон қалбидаги ички билим билан боғлиқдир. Ақлий билишнинг бундай шакли фаол ақп булиб, у жоннинг фаолиятидир ва индивидуал ақлдан кескин фарқ қиласи, чунки фаол ақп орқали инсон руҳи оламий руҳга боғланади, инсон жони эса оламий жон висолига етишади (*Абу Али ибн Сина. Избранные произведения. Т. 1. Стр. 198*).

Ақлнинг энг pastи дунёни тарқ қилиш, юқори даражаси Оллоҳнинг зотини ақп билан билишга уриниш бефойда эканини англаб етишdir. Лекин инсон соғлом ақлага зид ишларга ҳам кўл урди. Террорчилик, гиёҳвандлик, одамкушлик қилаётган кимсалар нима учун бундай хунрезлилкка қўл ураётгандарини англамайдилар. Бундай кимсалар ҳақида “Фурқон” сурасида шундай дейилади: “Ёки

сен уларнинг кўплари тинглай оладилар ё англай оладилар деб ҳисоблайсанми? Аслида уларнинг ҳайвонлардан фарқи йўқ. Балки яна ҳам йўлдан озганроқдирлар” (34-оят).

Куръонда ақлни ишлатмаслик охират азобига сабаб бўлиши эслатилган: “Ва улар: “Агар эътибор қулоги билан эшитганимизда ёки ақлни ишлатганимизда эди, дўзахийлар орасида бўлмаган бўлар эдик” дерлар” (*Мулк сураси, 10-оят*).

Ақп – инсониятнинг бойлигидир. Бир инсоннинг даҳолиги, ақлий қуввати баşариятнинг ақлий қудрати ўрнини тўлдира олмайди. Ҳар бир давлатнинг ижтимий-иқтисодий, маданий-маърифий таомиллашуви ва равнақ топиши ўша давлат фуқароларининг ақлий қуввати даражасига боғлиқ. Ақлий салоҳият камситилган ва қадрсизланган жамият қолоқлашади, инқирозга юз тутади. Жамиятни фикрсизлик ва жаҳолат ботқоғига улоқтириш ортидан савиясизлик ва саводсизликка йўл очилади. Зотан, ақп ҳаракатидан – фикр, фикр ҳаракатидан – фаолият майдонга келади; фаолият эса тараққиётта етаклайди. Инсон бебаҳо неъмат бўлган ақп-тафаккур воситасида шаклпастлик ва фикрсизликдан қайтиб, ҳақ йўлни топади. Қўйидагилар Куръон барча муаммоларнинг ечими эканини тасдиқлади:

1. Танқидий фикрлаш ва идрок этишдан бутунлай маҳрум бўлган ақлсизлик ва тафаккурсизлик, ақлий мўртлик Аъроф (179-оят), Анфол (22-оят), Юнус (100-101-оятлар), Худ (24-оят) сураларида танқид қилинган.

2. Ҳар бир инсон фикр юритиши, шубҳа қилиши, савол бериси, изланиши, таҳлил этиши, текшириши ва мустакил қарор чиқариши лозимлиги Зумар (18-оят), Исро (36-оят), Мойда (105-оят) сураларида таъқидланган.

3. Қуз билан кўрилган, қулоқ билан эшитилган ҳар бир нарса-ҳодиса ва онгли равишида олинган ҳар бир қарор жавобгарлик борлиги Исро сураси 36-оятида белгиланган.

4. Илмга эга бўлмайтириб, бирор мавзуда тортишиш хатолиги Оли Имрон сураси 66-оятида эслатилган.

5. Бақара (111-оят), Анбиё (24-оят), Оли Имрон (86-оят), Юсуф (26-27-оятлар), Соффат (156-157-оятлар) сураларида субъектив тажрибалар билан бирга холисона хулоса чиқаришга чакирилган.

6. Ҳужурот сураси 6-ояти, Юсуф сураси 26-27-оятларида ҳар қандай хабар ва маълумотни қабул этишдан олдин уни текшириш, аниқ далиллар билан тадқиқ этишига даъват этилган. Таъдилланмаган хабар ёки гумонлар фақат хато хуласаларни келтириб чиқариши уқтирилган.

7. Бошқаларнинг гап-сўзи ёки кўпчиликнинг фикрини жиддий текширувсиз ва теран мулоҳа-

засиз кўр-кўрона қабул қилиш Ҳақдан адашишга етаклаши Бақара (170-оят), Моида (104-оят), Юнус (100-101-оятлар), Луқмон (21-оят), Аҳзоб (67-оят), Соффат (69-71-оятлар) сураларида баён қилинган.

8. Зумар (18-оят), Анфол (22-оят), Аъроф (179-оят) сураларида борлик ҳақидаги маълумотларни аввало текшириш, савол остига олиш, таҳлил этиш ва ундан кейин умумий хуносалар чиқариш лозимлиги уқтирилган.

9. Анъом (116-оят), Юнус (36-оят), Юсуф (106-оят), Наҳғ (83-оят), Марям (73-оят), Ёсин (62-оят) сураларида кўпчиликка эргашиб лозимлиги, жамиятдан ажралиш, оломоннинг парчаси бўлиш залопатта йўллаши эслатилган.

10. Аъроф (85-оят), Анкабут (20-оят), Рум (50-оят), Қоф (6-7-оятлар), Фошия (17-20-оятлар) сураларида ҳаёт ва коинот ҳақиқатларини ҳиссий инъикос, кузатиш ва тафаккур орқали очишга даъват этилган.

11. Нур (61-оят), Анкабут (63-оят), Исро (36-оят), Жосия (23-оят), Аҳкоф (26-оят), Мухаммад (24-оят), Қамар (43-44-оятлар), Ҳашр (14-оят) сураларида инсон тафаккур қилиш, ақлни ишлатиш, эркин фикрлаш, ҳар бир масалани савол остига олиш ва фақат ҳақиқат тарафида бўлишга чорланган.

Инсонни инсон қилган, унинг ҳар қандай ҳаракатларига маъно берган неъмат – ақлдир. Ривожланган мамлакатлар эришган ютуқлар юксак ақл-тафаккур ҳосиласидирки, уни қадрлаган жамият ҳар жиҳатдан илғор бўлади. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда ҳам ақл-тафаккур, илм-маърифатга жиддий эътибор қаратиласетгани бежиз эмас. Эзгу мақсадларнинг рӯёби жамият аъзоларининг илм эгаллаш даражасига боғлиқдир.

**Замирахон ИСОҚОВА,**

Наманган давлат университети доценти,  
фалсафа фанлари номзоди

## *Noshir va kitobxon: manfaatlar mushtarakligi*

Бугун юртимизда жаҳон ноширилик стандартларига жавоб берадиган китоб ва китоб маҳсулотлари тайёрланмоқда. Давлат томонидан китоб босиш ва китоб маҳсулотларини сотиш, у билан боғлиқ ҳаражатлар борасида нашриёт ҳамда матбаа корхоналарига имтиёзлар, иқтисодий чегирмалар берилмоқда. Саноат корхоналарининг эскирган жиҳозлари босқичма-босқич алмаштирилмоқда.

“Ўзбекистон” НМИУга 2 та “Perfecta 115 SE” ускунаси, 1 та CtP усулида босма қолип тайёрлаш “CtP – Agfa Avalon N8-20Sc” ускунаси, 1 та варақ кесиши “Astrocut II-1100” ускунаси, “Xerox 700PRO” русумли рангли рақамли принтер ҳамда “LM-11 Covertex” ускунаси харид қилинди. Бундан ташқари, Ўрта Осиёда ягона бўлиши кутилаётган, бир вақтнинг ўзида саҳифани 4+4 усулида чоп этиш имконини берадиган саккиз секцияли “PDF Rapida 105-8SW4 Sanc RS” ускунаси сотиб олинди.

“Ўқитувчи” НМИУ томонидан ҳам “KBA Rapida 105-4 SAPC” русумли тўрт бўёкли оғсет усулида чоп этиш ускунаси харид қилиниб, ишга туширилди.

Ғафур Ғулом номидаги НМИУда эса “Horizon AF-762-KL” русумли варақларни буқлаш ускунаси ва тўрт бўёкли “Ryobi 784 ER(S)” ускуналари харид қилинди.

Янги, замонавий техника воситаларининг аввалиларига нисбатан афзаллиги шундаки, электр энергиясини 25 фоизгача кам сарфлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 20 фоизга ошириш, бўёқ

ва хомашё сарфни, қоғоз чиқитларини 15 фоизгача камайтириш, иш вақтидан унумли фойдаланиш ҳамда маҳсулот сифатини ошириш мумкин. Шунингдек, интернет орқали хориждаги корхоналар билан алоқа ўрнатиб, техник воситалар диагностикасини олиб бориш ва юзага келган носозликларни бартарифа этиш имкони мавжуд.

2017 йилда Ўзбекистон Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда республика миздаги нашриётлар ва китобхонлар ўртасидаги ҳамкорлик учун барча ҳуқуқий асослар яратилиши, техникавий таъминот, ижодий жамоалар учун яратилган шарт-шароитлар, ношир ва матбаачилар меҳнатини рағбатлантириш борасидаги истиқболли режалар тайин этилган. Бинобарин, ноширилик ва матбаа соҳаларини янада ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, китоб маҳсулотлари нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш чоралаши белгилангани, соҳа мутахассисларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва рағбатлантириш каби вазифалар қўйилгани аҳамиятидир.

Хозирги кунда Ўзбекистон миллий кутубхонаси, вилоят, туман кутубхоналарида асрлар давоми-